



Tashkent State University of Economics

JOURNAL OF INTERNATIONAL FINANCE AND ACCOUNTING

ISSN
2181-1016



ТИЖОРАТ БАНКЛАР ДАРОМАДЛАРИ ВА УЛАРНИ СОФ ФОЙДАГА ТАЪСИРИ

Кенжаев М.Ғ – ТДИУ, PhD., доцент.
Умумиқтисодий фанлар кафедраси
Ахмадова Д. А - Ўзбекистон Миллий университети
Иқтисодиёт факультет талабаси

COMMERCIAL BANK REVENUES AND THEIR IMPACT ON NET PROFIT

Kenjayev M.G. – PhD, Associate Professor,
Department of General Economic Sciences,
Tashkent State University of Economics
Akhmadova D.A. – Student, Faculty of Economics,
National University of Uzbekistan

Аннотация: Бугунги даврда тижорат банклар даромадлари, банк молиявий натижаларини шакллантириши, уни ҳисоб-китоб қилиши, самарали таҳлил қилиши ва банк фойдаси тушунчаларини ҳар томонлама етарли ўрганилмаганлиги ушбу мавзунини долзарблигини англатади. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш асоси - унинг капитали ва банк фаолиятининг даромадлилик даражасидир. Бозор иқтисодиётида ҳар бир тижорат банкнинг мақсади – ўз даромадларини кўпайтириши ва харажатларини камайтириши, оптималлаштириши натижасида максимал фойда олишга қаратилганлигидир. Банклар молиявий кўрсаткичлари даромадлар ва харажатларни ўзида ифодалаган молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи орқали аниқлайди ва натижаларига баҳо берилади. Биз ушбу банк ҳисоботи орқали тижорат банклар даромад ва харажатларини аниқлаш ёрдамида, уларнинг даромадлилик даража ва фойдасига доир маълумотларнинг асосли таҳлилинини ўрганиб, тегишли таклифлар тавсия этилди.

Abstract: In today's era, the concepts of income of commercial banks, the formation of bank financial results, its calculation, effective analysis, and the concepts of bank profit are not fully studied, which means that this topic is relevant. The

basis for ensuring the financial stability of commercial banks is its capital and the level of profitability of banking activities. In the market economy, the goal of every commercial bank is to maximize profit as a result of optimization, increasing its income and reducing its costs. The financial indicators of banks are determined through the report on the financial results, which represents the income and expenses, and the results are evaluated. We used this bank report to determine the income and expenses of commercial banks, studied the reasonable analysis of the data on their profitability level and profit, and recommended relevant proposals.

Таянч сўзлар: молиявий барқарорлик, даромадлилик, даромад, харажат, банк фойдаси, фойда, кредитлаш, фоизли даромадлар, фоизли харажат, операцион харажат, фоизсиз даромадлар, фоизсиз харажатлар, модернизация қилиши, банк-молия тизими

Key words: financial stability, profitability, income, expenses, bank profit, profit, lending, interest income, interest expense, operating expense, non-interest income, non-interest expense, modernization, banking and financial system

Қириш

Бугунги кунда республикаимиз банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифалардан биридир. Банк тизимини кенгайтириш ва ривожлантириш кўп жиҳатдан, банклар

фаолиятида даромадлилик даражасини оширишга ҳамда даромадлардан самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади. Бунда банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш тизимини такомиллаштириш ва унинг ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этади.

Иқтисодиётда тижорат банклари бозор инфратузилмасидаги ўз вазифаларини самарали амалга ошириш натижасида мавқеини мустаҳкамлаш учун функцияларини тўлақонли тарзда амалга оширишлари талаб этилади, бу эса, ўз навбатида, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шarti – капитал етарлилигини таъминлаш, банк активларининг барқарор даромадлилик даражасига эришишни таъминлаш, банк фойдасини кўпайтириш ва натижада банк харажатларини камайтиришга қаратилган сиёсат юритиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Демак, тижорат банклар фаолиятида даромадлар ва уни аҳамияти республикамиз банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлашда муҳим омиллардандир.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш асоси - унинг капитали ва банк фаолиятининг даромадлилик даражасидир. Бозор иқтисодиётида ҳар бир тижорат банкнинг мақсади – ўз даромадларини кўпайтириш ва харажатларини камайтириш, оптималлаштириш ҳисобига юқори ёки максимал фойда олишга қаратилади.

Банк тизими амалиётида тижорат банклари “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Марказий банк томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга асосан ўз

даромадларини шакллантирадилар ва харажатларини амалга оширадилар.

Тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишнинг услубий жиҳатлари етарлича тадқиқ қилинмаганлиги, тижорат банклар даромадлари, банк молиявий натижаларни шакллантириш, уни ҳисоб-китоб қилиш, самарали таҳлил қилиш ва банк фойдасини тақсимлаш каби муаммоларнинг мавжудлиги унинг долзарблигини белгилаб беради.

Эътиборни тижорат банкларининг даромадларига қаратадиган бўлсак, уларнинг даромадлари таркиби олинган барча фоизлар, комисион йиғимлар ва дивидендлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Умумий тартибда фоизли ва фоизсиз даромадлардан ташкил топади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк–молия тизими фаолияти барқарорлигини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатдан яхшилаш, такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Банк молиявий натижалари таркибида даромадлари миқдорини ошириб бориши ва харажатларни оптималлаштириши банклар фаолияти барқарорлигининг мустаҳкамланишига ва уни сифат жиҳатдан юқори даражада шаклланишига имконият яратади. Бундай яқун иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Тижорат банкларининг даромад базасини мустаҳкамлашнинг методологик ва амалий асосларига оид хорижлик ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар, амалий тавсиялар билдирганлар.

И.Фишернинг илмий қарашларида, айнан у бухгалтер томонидан ҳисобланган аъъанавий фойда иқтисодий мазмунга эга эмаслигини кўрсатиб, товар сотилиши аслида унинг қиймати, у келтирадиган ёки келтириши мумкин бўлган даромадга боғлиқ, деган хулосага келиб, молиявий натижани

(фойда) ҳисобот даврида активлар даромадлилигини ўзгариши ҳисобига қийматнинг ўсиши деб эътироф этган.

Иқтисодчи – олим Я.В. Соколовнинг фикрича, молиявий натижа мураккаб категориялардан бири бўлиб, уни маълум бир ҳисобот даврида олинган фойда ёки зарар деб таърифлайди. Молиявий натижа ҳисобот даврида капитал қийматининг ўзгаришини кўрсатади. Агар у ортиб борса, фойда тўғрисида, камайса–зарар тўғрисида гап юритилади.

В. Усоскиннинг хулосасига кўра, банк раҳбарияти энг юқори даромад олиш мақсадида риск қилишга мойилдир, бу эса, банк омонатчиларининг манфаатларига зид ҳисобланади

Республикамик иқтисодчи олимларидан. Ё.А. Маҳмудалиева ўзининг илмий изланишларида “фойда – даромад суммасининг қилинган харажатлардан ошган қисми” эканлигини қайд этади.

Шунингдек, Н.Ф.Каримов фойдани иқтисодий категория сифатида таърифлаб, кўшимча маҳсулотнинг бир қисмини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш муносабатларининг таркибий қисмини ташкил этишини ва у янгидан яратилган қийматнинг бир қисми сифатида намоён бўлишини кўрсатиб берган. Яъни, у фойданинг бухгалтерия катталики эмас, балки у иқтисодий катталики сифатида эътироф этган.

Умуман олимларнинг фикр–мулоҳазаларидан келиб чиқиб, молиявий натижани даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ, уни фойда ёки зарар кўринишида бўлишини англаб етамиз.

Юқоридаги фикрлардан банк даромадлари ва фойдасининг шаклланиши бўйича ягона тушунча йўқлигини кўриш мумкин, чунки, у манфаатдор шахсларнинг мақсадларига боғлиқ бўлади. Бу шахслар авваламбор, активлар таркибига нимани киритиши ва бухгалтерия фойдаси қандай ҳисоб–китоб қилинишини ҳал этиши керак.

Тадқиқот методологияси.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкининг ҳаракатдаги йўриқнома ва статистик маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ва 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ўзлаштириш заминиде тижорат банклари фаолиятида даромадлар ва уларни аҳамиятига оид маълумотларни таҳлил қилишда индуксия, дедуксия, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, анализ, синтез, таҳлил каби тадқиқот методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон банк амалиёти экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари ялпи даромадларининг умумий ҳажмида фоизли даромадларнинг салмоғи камида 70 фоиз бўлиши керак. Тижорат банклари фоизли даромадларининг умумий ҳажмида кредитлардан олинган фоизли даромадлар салмоғининг юқори ва барқарор бўлиши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Тижорат банкларининг даромад базасини шакллантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб, Ўзбекистон

Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мавзуга оид бўлган Қарорлари ва Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳаракатдаги йўриқнома ва статистик маълумотлари ҳисобланади.

Тижорат банкларининг асосий мақсади юқори рентабеллик асосида ёки таваккалчиликни минималлаштириб юқори даромад олишга асосланган.

Даромад даражасининг ортиб бориши банклар бошқарув сифатини акс эттириб, банк тизимидаги уни ўрнини белгилайди.

Тижорат банкларнинг молиявий кўрсаткичлари даромадлар ва харажатларини ўзида ифодалаган молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи орқали аниқланади ва натижаларига баҳо берилади. Банк молиявий ҳолатини акс эттирувчи ҳисобот ҳам айнан тегишли даврлар учун тақдим этиб бориладиган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботидир.

1-жадвал

**Республика банк тизимида тижорат банкларнинг даромад ва харажатлари ҳамда соф фойдаси тўғрисида маълумот.
(миллиард сўмда)¹.**

№ Кўрсаткичлар	01.04.2022 й.	01.04.2023 й.	01.04.2024 й.	01.04.2025 й.
1. Фоизли даромадлар	14285,0	18 833	25 872	28 898
2. Фоизли харажатлар	8740,3	12 258	18 027	20 079
3. Фоизли маржа (1-2)	5544,7	6 575	7 845	8 819
4. Фоизсиз даромадлар	8393,3	11 742	12 988	16 580
5. Фоизсиз харажатлар	2228,0	2 328	3 693	5 033
6. Операцион харажатлар	2756,0	3 891	4 760	6 123
7. Фоизсиз даромад (зарар) (4-5-6)	3410,0	5 523	4 534	5 424
8.Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	5591,0	6 665	7 503	8 330
9.Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	807,0	1 578	1 848	1 821
10.Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар) (3+7)-(8+9)	2557,0	3855,0	3 029	4 091
11.Фойда солигини тўлаш харажатлари	660,0	789,0	648	672
12.Соф фойда (зарар).	1897,0	3066,0	2 381	3 419

¹Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг интернет сайти маълумотлари 2025 йил.. асосида тайёрланган.

Республика банк тизимида тижорат банкларнинг даромад ва харажатлари ҳамда соф фойдаси тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган банк даромадлар ва харажатларини ўзида ифодалаган молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи натижалари умумлаштирилиб, фоизли маржа. фоизсиз даромад (зарар), солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар) ва соф фойда (зарар) суммалари тегишли математик амалларни амалга ошириш орқали аниқланган. Аниқланган кўрсаткичларга эътибор берилса, уларнинг барчасида ўсиш ёки рақамлар ортиб бориши тенденцияси

йўналишидаги натижаларни кўришимиз мумкин. Демак республикада тижорат банкларнинг даромадлар ва соф фойдаси суммаси 2022-2025 йиллар давомида ўсиб борганлигини гувоҳи бўламиз. Жадвалда келтирилган банк амалиётига доир маълумотлар ушбу фикрларимизни тасдиқлайди. Жадвалда келтирилган банк даромадлар ва харажатларини ўзида ифодалаган молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи натижаларидан келиб чиқиб, 2-жадвалда республика банк тизимида тижорат банкларнинг даромадлилик кўрсаткичларига оид коэффицентларни аниқлаймиз

2-жадвал

Республика банк тизимида тижорат банкларнинг даромадлилик кўрсаткичлари².

№ Кўрсаткичлари	01.04.2022 й.	01.04.2023 й.	01.04.2024 й.	01.04.2025 й.
1. Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA).	2,3	2,8	1,8	2,1
2. Соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE).	10,6	15,1	9,6	11,6
3. Соф фоизли даромадларнинг жами активларга нисбати	4,9	4,7	4,7	4,4
4. Кредитлар бўйича олинган соф фоизли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати..	6,5	6,4	6,6	6,4
5. Соф фоизли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати.	5,9	5,5	5,6	5,2
6. Соф фоизли маржанинг жами активларга нисбати.	5,0	4,7	4,8	4,5

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг интернет сайти маълумотлари 2025 йил..асосида тайёрланган.

Республикамиз банк тизимида тижорат банкларнинг даромадлилик кўрсаткичлари 2 –жадвалда келтирилган. Умуман йиллар давомида банкларнинг даромадлилик кўрсаткичларига оид коэффицентларнинг натижаларида катта ўзгаришлар кузатилмаган.

Банкларнинг умумий соф фойдаси 2025 йилда 15,01 трлн сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан икки баробар, аниқроғи нисбатан 122,5% га кўпайганлигидан далолат бермоқда. Маълумот учун, 2024 йилда банклар 6,96 триллион сўм соф фойда олган эди. Бу жудаям ижобий ёки юқори кўрсаткич бўлиб, келажакда банклар

фаолиятини кенгайтириши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

2025 йил якунлари бўйича энг катта миқдордаги соф фойда кўрсаткичига эришган тижорат банкларнинг ТОП-5 лик аниқланган.

2025 йилда Ўзбекистон банк тизими рекорд даражада — жами 15,5 трлн сўм соф фойда олди. Энг юқори молиявий натижалар Ўзмилийбанк, SQB ва Капиталбанк ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, 2024 йилда катта зарар кўрган МК Банк, БРБ ва Ипотекабанк 2025 йилда фойдага қайтган бўлса, ТВС Bank соф фойдаси сезиларли пасайиб, деярли нолга тушди.

3-жадвал.

2025 йил якунлари бўйича энг катта миқдордаги соф фойда кўрсаткичига эришган тижорат банкларининг ТОП-5 лиги³.

№	Тижорат банкларнинг номи	Соф фойдасини 1 трлн сўмдан оширган
1.	Ўзмилийбанк	1,92 трлн сўм
2.	Ўзсаноатқурилишбанк	1,88 трлн сўм
3.	Капиталбанк	1,79 трлн сўм
4.	Ҳамкорбанк	1,7 трлн сўм
5.	Ориент Финансе Банк	1,04 трлн сўм

³Bankers.uz оператив маълумотлари 2025 йил..

2025 йилда Ўзбекистон банк тизими рекорд даражада — жами 15,5 трлн сўм соф фойда олди. Энг юқори молиявий натижалар Ўзмилийбанк, SQB ва Капиталбанк ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, 2024 йилда катта зарар кўрган МК Банк, БРБ ва Ипотекабанк 2025 йилда фойдага қайтган бўлса, ТВС Банк соф фойдаси сезиларли пасайиб, деярли нолга тушди.

Тижорат банкларнинг 2025 йил якунларида умумий соф фойдаси ўсиш тенденциясига эга. Бу уларнинг фаолиятида даромадлар кўпайганлигидан ва уни ҳисобига фойда суммаси ошганлигини кўрамыз. Бундай ҳолат ижобий аҳамиятга эга бўлиб, кежақда банклар фаолиятини ривожланишини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар

Биз тижорат банкларининг даромадлари ҳамда фойдаси билан боғлиқ базасини назарий ва амалий маълумотлар асосида таҳлилий ўрганиш натижаларига мувофиқ хулоса сифатида таклиф ва тавсияларни билдиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

- Банкнинг кредитлардан олинадиган фоизли даромадлар билан депозитларга қилинадиган фоизли харажатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлашимиз керак;

- Тижорат банкларини ташкил этишда устав капитали миқдорини Марказий банк бегилаган миқдордан йирик суммада шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида банк даромадларини кўпайтириш учун имконият яратади. Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида устав капитали миқдorigа катта эътибор қаратилган.

- Банк фаолиятида мавжуд ресурслар базасидан самарали фойдаланиш асосида банк даромадларини ошириш ҳамда соф фойда миқдорини оширишга оид тегишли чора тадбирлар банк мониторинги томонидан

ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш;

- Банк томонидан ресурсларни жалб этишда арзон ҳисобланган муддатли депозитларга катта эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ, чунки бошқа манбалардан жалб этилган ресурсларни қиммат эканлиги банк даромадлари ва фойдаси миқдорини камайишига таъсир кўрсатади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сонли қонун, 05.11.2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 26.12.2025
3. “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шаклантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 2696-сонли низом, 14.07.2015.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 23 августдаги “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тартиби тўғрисида” ги НИЗОМ (2023 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3460).
5. Лаврушин О.И. Развитие банковского сектора и его инфраструктуры в экономике России. – М.: КНОРУС, 2017. – С. 74.
6. www.bankir.ru - (О‘zbekiston bank tizimi bo‘yicha yangiliklar sayti).
7. www.finance.uz - (О‘zbekiston Respublikasi Biznes sayti).